

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



2010 йил – Баркамол авлод йили

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

БУНЁДКОРЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Юртбошимиз амалга ошираётган ишларимиз асосида, демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимиз моҳиятида, онгу шууримиздаги ўзгаришлар, турмушимиздаги фаровонлик замирида Бош қомусимизнинг қоида ва талаблари мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

Теран тарихий илдишларимизни, кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларимизни, улуг аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини, халқимизнинг орзу ва интилишларини ўзининг ғоя ва нормаларига чуқур сингдирган Конституцияимизнинг ҳаётини негизи ғоят мустаҳкамдир. Эришаётган юксак марраларимиз Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган принципларнинг нақадар тўғри эканини кўрсатиб турибди.

Ўтган давр мобайнида халқимизнинг азму шижоати, фидокорона меҳнати тўфайли улкан ютуқлар қўлга киритилди. Буни мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг барқарор ўсиш суръатларида, аҳоли фаровонлигининг изчил ва мунтазам ошиб бораётганида, қишлоқ ва шаҳарларимиз янада обод бўлиб, янгича қиёфа касб этаётганида яққол кўриш мумкин.

Жаҳон ҳамжамиятида «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган дастури ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ амалга оширилган изчил чора-тадбирлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирини бартараф этиш, унинг мувозанатли ривожланиш ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш имконини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,0 фоизни ташкил этгани, инфляция даражаси про-

гноз кўрсаткичлардан ошмагани фикримизни тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг буюк яратувчилиги ва бунёдкорлик салоҳияти, ижтимоий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурида юз бераётган чуқур ўзгаришлар юртимиз ривожини таъминлашга, Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлар экан, бу борадаги эзгу ишларимизни янада жадал суръатларда давом эттириш учун олдимизда турган муҳим масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Президентимиз ташаббуси билан 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус Давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бундай улкан ишлар замирида юртдошларимиз, хусусан, қишлоқларда яшайдиган инсонлар турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизни янада яхшилаш сингари эзгу мақсадлар мужассамдир.

Қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуриш кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини тубдан яхшилаш бўйича кенг чоратадбирлар комплекси амалга оширилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш бўйича олиб борилаётган улугвор ишлар изчил давом этмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йилга муайян ном бериш хайрли анъанага айланган.

Шу анъанага мувофиқ Президентимиз Ислон Каримов кириб келаётган янги – 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилишни тақдир этди. Юртбошимизнинг бу тақдирини йиғилганлар томонидан гулдурос қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти билан якунланди.

Ў.А.

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Хурматли дўстлар!

Шу кунларда халқимиз давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг катта, алоҳида ўрин олган қутлуг байрамлар қаторида мустақиллигимизнинг тамал тошини қўйган, эркин ва обод келажагимизнинг пойдеворини белгилаб берган Конституциямиз қабул қилинган кунни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонламоқда.

Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни шу буюк айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий тилақларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Ҳақиқатан ҳам, биз бундан 17 йил олдин, яъни 1992 йил 8 декабрь куни моҳияти ва аҳамиятини ҳеч нарса

билан ўлчаб бўлмайдиган, том маънода тарихий ҳужжатни – ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизни қабул қилиш билан ўзини оқламаган эски тузумдан бутунлай, воз кечиб, янги давлат, янги жамият қуриш йўли ва имкониятларини очдик.

Айнан ана шу кундан бошлаб юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий Қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда.

Бугун ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаш эканимиз, аввало Конституциямизнинг асосий принциплари ва қоидалари негизда қабул қилинган қонун ва дастурлар бўйича

давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий қурилиш борасида босқич-ма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини қайд этишимиз табиий, албатта.

Мамлакатимиз эришган бундай улкан марраларнинг барчасини бутун дунё тан олаётганини кўриб, Асосий Қонунимиз белгилаб берган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Ҳаммамизга маълум, бу йил Конституциямиз байрамини нишонлаш алоҳида маъно-мазмун ва аҳамият касб этмоқда. Бунинг сабаби шундаки, шу йил 27 декабрь куни мамлакатимизда парламентга ва жойлардаги вакиллик органлари бўлган маҳаллий кенгашларга умумхалқ

2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Шу йил 4 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиоров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқишдан бошладилар. Сенаторлар мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати макроиқтисодий барқарорликни ва ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлаш, модернизацияланган, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар.

2010 йилги Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан илгари суртилган Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ол-

дини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Давлатнинг 2010 йилги солиқ сиёсати ҳўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юқини янада камайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга, фуқароларнинг даромадларини кўпайтиришга ҳамда уларнинг харид қобилиятини оширишга, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва тақомиллаштиришга, микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг мақбул базавий ставкасини ўрнатишга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқ микдорларини бирхиллаштиришга қаратилади. Масалан, ҳисобкитобларга қараганда, юридик шахслардан олинандиган фойда солиғининг амалдаги 10 фоизлик базавий ставкасини 9 фоизга тушириш 2010 йилда ҳўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида 52 миллиард сўмдан ортиқ маблағ қолдирилишига имкон беради, бу маблағлар ишлаб чиқаришни кенгай-

5-бетда

<p>УШБУ СОҒДА</p>	<p>1-6-бетлар 2010 йил – «Баркамол авлод йили»</p>	<p>6-бет Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ</p>	<p>7-бет Маслаҳатни юрист беради</p>	<p>9-10-бетлар Янги қонун ҳужжатлари</p>
	<p>\$1 = 1509,36 сўм</p>	<p>€1 = 2241,40</p>	<p>£1 = 2507,35 сўм</p>	<p>¥10 = 171,30 сўм</p>

www.interpress.uz

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2010 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 днел • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPSI • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

119-0000
155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БИЗ УЧУН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

← **1-бета**

сайловлари бўлиб ўтади. Юртимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа бўлмиш ана шу сайловларни Конституциямиз ва сайловлар ҳақидаги тегишли қонунларимиз талабларига, халқаро андоза ва нормаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда, муносиб тарзда ўтказиш мақсадида, мана, кейинги уч ой мобайнида Марказий сайлов комиссияси раҳбарлиги ва назоратида кенг қўламли ва катта ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда умумэтироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимизга асосланган мустақам ҳуқуқий-меъёрий замин яратилди.

Охириги йилларда, хусусан, мана шу йилнинг бошида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизимига замон талаблари ва халқаро андозаларга мос бўлган, аввало, сайлов қонунларини янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадларига қаратилган ўзгартириш ва янги нормаларнинг киритилгани эътиборга сазовордир.

Айниқса, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ишончли вакиллари сонини кўпайтириш, сайлов жараёнида уларга қўшимча ҳуқуқ ва воқолатлар бериш, умуман, сайловчиларнинг ҳуқуқини кенгайтиришни кўзда тутадиган бу имкониятлар сайлов тизимини янада такомиллаштиришга катта ҳисса бўлиб қўшилиди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган бир қанча ўзгаришлар қаторида бўлажак сайловларда фуқаролар иштирокининг қўламини кенгайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Ва шунинг ҳисобидан, аввало, атроф муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги тамойил жорий этилди. Яъни, мамлакат парламентидаги депутатлик ўринлари сонига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 та ўрин ажратилди.

Энг муҳими, сайлов қонунчилигида Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқ ва воқолатларини кучайтириш масаласига алоҳида аҳамият берилди.

Бизнинг қонунларимизда қайд этилганидек, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнига ҳеч қимнинг, авваломбор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашига ҳаққи йўқ. Бундай ҳолатларга йўл қўйиш қонунда қатъиян ман қилинган ва бунга қўл орган шахсларга нисбатан чора кўриш, керак бўлса, уларни тегишли жавобгарликка тортиш ҳам белгилаб қўйилган.

Ана шу фикрларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси, **авваломбор, сайловларни очиклик, эркинлик ва ҳаққонийлик асосида ўтказишга қаратилганини қайд этиш лозим.**

Бир сўз билан айтганда, шу юртда ғурур ва ифтихор билан яшаётган ҳар қайси инсон, ўйлайманки, навбатдаги сайлов барчамиз учун муҳим синов, таъбир жоиз бўлса, жиддий имтиҳон эканини яхши тушунади ва англайди.

Бўлғуси сайловларга айнан шу кўз билан қарайдиган бўлсак, бу имтиҳон биринчи навбатда қуйидаги мезон ва талаблардан иборат бўлишини ўзимизга тасаввур қилишимизни истардим:

аввало, бу жараён сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигининг ҳаётимиздаги тасдиғини синаш демакдир;

иккинчидан, бу жараён юртимизнинг сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётганини, ҳар қайси партия ўзига хос, ўзига мос мақсадлари ва ҳаракат дастури билан сайлов майдонига чиқиши ва сайловчиларнинг овози учун ўзаро кураш олиб боришини англади;

учинчидан, қонун устунлиги ва унинг барчага тенглигининг намоён бўлиб, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар ва ҳар қайси номзоднинг сиёсий қарашлари ва эътиқодидан қатъи назар, уларнинг ҳаммасига тенг имконият ва шароит туғдириб беришни билдиради;

тўртинчидан, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг савияси ва етуқлик даражасини кўрсатади; ва ниҳоят, **бешинчидан**, бу сай-

ловлар аҳолиимизнинг сиёсий-ижтимоий савияси ва маданияти, фуқаролик онгини имтиҳондан ўтказди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, ана шундай мураккаб ва масъулиятли сиёсий синовдан ўтишга, бу сайлов жараёнларини ривожланган демократик давлатларда амал қилаётган сайлов тизими даражасида ўтказишга биз қанчалик тайёرمиз?

Нафақат сайловни ташкил этишга бевосита масъул бўлган Марказий сайлов комиссияси ва унинг жойлардаги тузилмалари, сиёсий партиялар фаоллари ва ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилигимиз, балки бугун овоз беришга тайёргарлик кўраётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир сайловчи бу саволни ўзига бериши албатта ўринли ва айнаи мудоо бўлур эди.

Чунки, юқорида тилга олинган ва биз амалга оширишимиз зарур бўлган ўта муҳим омиллар демократик асосда ривожланиб бораётган ҳар қандай жамиятнинг етуқлик даражасини акс эттиради.

Бу талабларга амал қилиш – бу шунчаки бир мақсад эмас, авваломбор эркин ва озод яшаш, ҳар томонлама фаровон ҳаёт куриш дастурининг ўзагини ташкил қилиб, юксак тараққиётга эришишнинг ҳал қилувчи узвий қисми ва асосий йўли эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз тобора англаб бормоқдамиз.

Айтиш керакки, биз бу йўлни кимгадир кўз-кўз қилиш, кимнингдир олдида намоён этиш учун танлаганимиз йўқ.

Бу йўл қандай оғир ва мураккаб бўлмасин, такрор-такрор айтман, бизнинг миллий манфаатларимизга, асрлар давомида интилиб келган орзу-ниятларимизга тўла жавоб берадиган тараққиёт йўлидир.

Шу билан бирга, барчамиз яна бир ҳақиқатни чуқур тушунамиз – биз кўзлаган марраларга эришиш, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан ўзимиз истаган, тараққий топган давлатлар қаторига чиқиш учун ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Бу борада энг асосий масала – амалга оширган ишларимизга танқидий баҳо бериш, манманликка берилмаслик, халқаро тажриба ва ўзгаларнинг ютуқларига беписанд қарамаслик, ҳаётимизда бу йўна-

лишда ҳали-бери учрайдиган ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборат. Бу ўткир ҳақиқатни аввало ўзимиз англашимиз ва амалий ҳулосалар чиқаришимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ғоят муҳим ўрин тутди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, олдимизда турган, мамлакатимиз ҳаётида, ҳақиқатан ҳам катта бир сиёсий воқеа бўлмиш сайловларни муносиб ўтказиш мақсадида баъзи бир долзарб масалаларга яна бир бор тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Биринчидан, Конституциямиз ва шу асосда қабул қилинган, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ҳақидаги қонунларга, шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан белгилаб берилган қоида ва нормаларга риоя қилиш, уларни сўзсиз бажариш барчамизнинг, ҳар қайси сайловчининг асосий бурчи бўлишини хоҳлардим.

Айниқса, баъзи бир сайловчиларимизга майда ёки ортиқча бўлиб туюладиган, умумэтироф этилган сайлов қоидаларига мос келмайдиган айрим ҳолатлар бўйича кузатувчилар томонидан – булар халқаро ташкилотлар ёки ўзимизнинг ижтимоий-нодавлат ташкилотлар вакиллари бўладими – билдириладиган эътирозларга ҳурмат билан қараш, уларнинг фикрларига эътибор бериш, қандай расмиётчилик бўлиб кўринмасин, бу талабларни албатта бажо келтиришимиз керак.

Энг муҳими, четдан туриб сайлов жараёнига аралашиб, уларга таъсир ўтказишга уриниш каби ноҳўя ҳаракатлар бутунлай ман этилишини барча сайлов иштирокчилари, ким бўлишидан қатъи назар, чуқур англаб олишлари даркор.

Иккинчидан, яна бир бор айтиб ўтишга тўғри келади – қонун барчага тенг. Бинобарин, барча партиялар ва уларнинг номзодлари учун сайловолди жараёнида, матбуот, телевидение орқали ва сайловчилар билан бўладиган мулоқот ва учрашувларда, улар олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларида тенг ва бир хил шароит туғдириб бериш, уларнинг ҳуқуқ ва интилишларига бир кўз билан қараш, ҳеч қимни ажратмаслик, айтиш керакки, айнаи шу масалалар сайловни юксак савияда ўтказишда энг катта ва

муҳим ўрин тутди.

Бу масалалар учун масъул бўлган ташкилотлар томонидан ҳеч қандай истисно ёки кимгадир алоҳида эътибор бериш ҳолатларига асло йўл қўйилмаслиги шарт.

Учинчидан, аслида сайлов дегани – бу аввало ўз ҳуқуқини англаган ҳолда, эркин танлаш ва онгли овоз бериш демакдир.

Шу билан бирга, сайловда қатнашиш ҳар биримиздан нафақат Конституциямиз кафолатлаб берган овоз бериш ҳуқуқини бажо келтиришни, балки фуқаролик бурчимизни чуқур англаш ва бу масалага катта масъулият билан қарашни ҳам талаб қилади.

Нега деганда, ҳар бир фуқаро ўзи сайлайдиган номзод – у эртага маҳаллий кенгашларга ёки Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига аъзо бўладими – депутатлик мандатига эга бўлганидан сўнг унга билдирилган юксак ишонччи оқла мақсадида мамлакатимиз, юртимиз равнақи учун, халқимизнинг ҳаёти янада обод ва фаровон бўлиши учун қандай ҳисса қўишини ҳар қайси сайловчи ўзига аниқ тасаввур қилиши, яъни, овоз беришда адашмаслиги лозим.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугун биз, ҳақиқатан ҳам, Ватанимизнинг эртанги кунини ҳал қиладиган, катта сиёсий жараён арафасида турибмиз.

Ўз олдимизга қўйган юксак мақсад-муддаоларимизга етишда, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим босқич бўладиган бу жараён юртимизда яшаётган барча-барча инсонларга бевосита дахлдор бўлиб, ҳеч ким ундан четда қолиши мумкин эмас.

Бугун мана шу залда ўтирган сиз, азизларнинг юзларингизга қараб, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни ўзимга тасаввур қилиб айтмоқчиман: биз навбатдаги сайловни муносиб даражада ўтказиб, халқаро майдонда ўзимизнинг сиёсий етуқчилигимизни яна бир бор намоён этишга албатта қодирмиз. Чунки бизнинг Ўзбекистонимиз, бизнинг жамиятимиз кечаги давлат, кечаги жамият эмас – таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Энг муҳими, бугун одамларимизнинг дунёқараши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғу-

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

	1.12.09й.	8.12.09й.		1.12.09й.	8.12.09й.
1 Австралия доллари	1385,67	1397,37	1 Малайзия ринггити	445,63	446,56
1 Англия фунт стерлинги	2502,54	2507,35	1 Польша злотийси	549,39	556,90
1 Дания кронаси	305,70	306,02	1 СДР	2429,28	2432,80
1 БАА дирҳами	410,68	410,99	1 Туркия лираси	997,66	1016,75
1 АҚШ доллари	1508,46	1509,36	1 Швейцария франки	1507,25	1511,02
1 Миср фунти	276,79	276,81	1 ЕВРО	2260,69	2241,40
1 Исландия кронаси	12,39	12,45	10 Жанубий Корея вони	13,01	13,09
1 Канада доллари	1429,55	1431,35	10 Япония иенаси	174,15	171,30
1 Хитой юани	220,96	221,11	1 Россия рубли	50,59	51,61
			1 Украина гривнаси	189,01	188,91

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ИДХ ВА БОЛТИКЕЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	3.12.2009	1	0,8025	1	1,2106	1	0,0274
Арманистон	3.12.2009	1	385,44	1	582,71	1	13,18
Беларусь	4.12.2009	1	2785,00	1	4210,64	1	95,24
Грузия	3.12.2009	1	1,6734	1	2,5267	1	5,7592
Қозоғистон	4.12.2009	1	148,81	1	224,84	1	5,09
Қирғизистон	28.11.2009	1	43,922	1	66,2629	1	1,5211
Латвия	4.12.2009	1	0,466	1	0,702804	1	0,0159
Литва	4.12.2009	1	2,284	1	3,4528	10	7,8169
Молдова	3.12.2009	1	11,1167	1	16,7746	1	0,3809
Тожикистон	4.12.2009	1	4,3534	1	6,5001	10	1,4912
Ўзбекистон	1.12.2009	1	1508,46	1	2260,69	1	50,59
Украина	3.12.2009	100	799,05	100	1205,7664	10	2,75
Эстония	3.12.2009	1	10,3486	1	15,6466	1	0,353811

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ
СОҒДА:

• УСТУВОРЛИКЛАР

- Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақам пойдевордир
- Бунёдкорлигимизнинг ҳуқуқий асоси
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Валюталар курси 1-6-бетлар

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

- Иштирокчиларнинг қўшимча ҳиссалари

7-бет

• КАДРЛАР БЎЛИМИ 8-бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:

- ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги

СВОЖДЛҚҚД бошлигининг «Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи;

– ЎзР МВ, Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚҚДнинг «Жиний фа-

олиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотерейлар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

9-10-бетлар

• top

11-12-бетлар

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР

қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

си, ўз Ватанидан гурур ва ифтихори, келажакка ишончи кундан-кунга тобора шиб бораётганини **кўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.** Ишончим комилки, кўпни кўрган, эл-юрт тақдирига масъулият билан ёндашадиган халқимиз бу сиёсий жараённинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, сайловда аввало фаол иштирок этади ва ўзининг, оиласининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Азиз дўстлар!

Маълумки, бундан бир йил муқаддам сизлар билан маслаҳатлашиб, 2009 йилда юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берган эдик. Ва шу асосда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб эътиборимиз марказида бўлиб келаётган устувор масала, яъни қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, агросаноат мажмуида олиб борилган ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш мақсадида махсус давлат дастури қабул қилганимиздан ҳам хабарингиз бор.

«Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади» деган ғояни ўзида мужассам этган бу дастурнинг маъно-моҳияти, энг муҳим йўналишлари ва молиявий манбалари нафақат 2009 йил учун, балки ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун белгиланиб, унинг ижроси қатъий назоратта олинди.

Мен ушбу дастурнинг ўта кенг қамровли миқёсини инобатга олган ҳолда, фақатгина уни амалга ошириш йўлида қўйилган биринчи қадамлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, қишлоқ аҳолининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим.

Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шахар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутади, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.

Шу мақсадда 2009 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқларимизнинг замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилиши, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш ва бунёд этиш тизимини такомиллаштириш, «Қишлоққурилишлойиҳа» институтини ташкил этиш бўйича қарорлари қабул қилинди.

Айтиш керакки, мазкур институт томонидан ҳозирга қадар 2 хонадан 5 хонагача бўлган замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Бу ишга республикамиздаги кўзга кўринган, юқори малакали мутахассислар жалб этилиб, яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 22 та, ижтимоий объектлар бўйича эса 16 та намунавий лойиҳа тасдиқланиб, қурилишга тавсия қилинди.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ тайёргарлик ва қурилиш ишларини бажариш мақсадида ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси бугунги кунда марказда ва жойларда фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида пойтахтимиздаги «Ўзэксломарказ»да бўлиб ўтган ва ҳозирги вақтда вилоят марказларида ўтказилаётган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчилигимизга намойиш этилмоқда ва халқимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун катта миқдордаги зарур маблағларни жалб этиш мақсадида алоҳида қарор билан «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилиб, айна пайтда кўпчилик миқозлар унинг хизматидан фойдаланмоқда.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ жойларда қурилиш ишларини олиб бориш учун жорий йилнинг ўзида мазкур банк орқали қарийб 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Келгуси йилда эса ана шу мақсадлар учун қўшимча равишда яна салкам 530 миллиард сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилган бўлиб, бунинг 256 миллиард сўмдан зиёди давлат томонидан бериладиган маблағдир.

Бундай кенг кўламли ишларни бажариш учун ҳозирга қадар мамлакатимизда 670 та ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш ташкилоти тузилди ва улар юқори малака ва тажрибага эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминланди.

Ана шундай ҳар томонлама пухта ўйланган режа асосида жорий йилнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 42 та ер массиви ажратилиб, қишлоқ ҳудудларида эксперимент тариқасида 840 та яқка тартибдаги уй-жой барпо этилмоқда ва уларни 2010 йилнинг март-апрель ойларида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бу уйлар аввало ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларни амалда синаш, эртага шу уйларда яшайдиган одамларнинг тақлиф ва истакларини ҳар томонлама ўрганиш ва баҳо келтириш учун тегишли хулосалар чиқариш имконини беради.

Бу қурилишларда ана шу уй-жойларнинг бўлғуси эгалари ҳам ўз маблағлари билан иштирок этамоқда. Энг муҳим жиҳати шундаки, қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қoplanади.

Айни шу ҳолат, яъни, бу уйлар учун сарфланган маблағни бирданга эмас, балки 15 йил давомида аста-секин, босқичма-босқич тўлаш тартиби халқимизга катта имтиёз ва энгилликлар беради.

Бу борадаги ишларимиз 2010 йилда янада кенг кўламда давом эттирилиб, мамлакатимизнинг 159 та, яъни барча қишлоқ туманларида 7 минг 630 та янги уй-жой барпо этилади. Насиб этса, уларни келгуси йилнинг август-сентябрь ойларида ўз эгаларига топширамиз, албатта.

Алоҳида диққатга сазовор томони шундаки, бу борадаги режаларимизда нафақат шинам ва обод уйлар қуриш, айна пайтда болалар боғчалари, умумтаълим ва мусиқа мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат объектлари, равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолининг ҳар томонлама муносиб ва қулай ҳаёт кечириши учун зарур барча шароитларни ўз ичига оладиган замонавий турар-жой мавзеларини комплекс барпо этиш аниқ белгилаб берилган.

Ўтган давр мобайнида бу йўналишда энг муҳим масалалардан бири бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ҳам анча ишлар қилинди.

Бу ҳақда гапирганда, аввало қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 31 та ишлаб чиқариш қуввати, жумладан, 2 миллион квадрат метр замонавий том ёпиш материаллари ишлаб чиқарадиган 6 та корхона, шунингдек, гипс, алебастр, гипсокартон каби қурилиш ва пардозлаш материаллари, йиғма конструкциялар тайёрлайдиган янги корхоналар фойдаланишга топширилганини қайд этиш лозим. Шулар қаторида йилига 81 миллион донна гишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 12 та янги завод ишга туширилди.

Таъкидлаш керакки, янгитдан барпо этилган бу корхоналарда тайёрланадиган қурилиш материаллари, хусусан, гишт нархини пасайтириш мақсадида уларга ҳар томонлама имтиёз ва шароитлар туғдириб берилмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ҳақида сўз борганда, бу соҳада энг долзарб масалалардан бири бўлмиш қишлоқ жойларда янги йўллар қуриш ва мавжудларини кенгайтириш учун қарийб 100 миллиард сўм маблағ сарфлангани, транспорт қатновини яхшилаш мақсадида кўплаб янги йўналишлар очилиб, улар Самарқандда ишлаб чиқарилган замонавий автобуслар билан таъминланганини айтиш лозим.

Айни пайтда қишлоқларимизни энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш учун йил давомида 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан узунлиги 2 минг 700 километрдан зиёд электр тармоқлари, 300 километрдан кўпроқ табиий газ қувурлари реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди.

Азиз дўстлар!

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида қилинаётган ишлардан, ўйлайманки, барчангиз хабардорсиз.

Бу ҳақда гапирганда, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ризқ-рўзимиз манба бўлган ер унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилгани хусусида тўхталишимиз табиий, албатта.

Шулар қаторида 81 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 10 минг километрдан ортиқ зовурлар, салкам 1000 километрлик дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди, кўплаб сув иншоотлари реконструкция қилинди, 50 километр узунликдаги янги каналлар ва бошқа объектлар қурилиши якунига етказилди.

Бу рақамлар ортида қандай ўта оғир ва машаққатли меҳнат ётгани, уларнинг замирида юз минглаб деҳқон ва механизаторларимизнинг фидокорона хизмати борлигини, энг муҳими, ана шундай меҳнатлар эвазига ҳосилимизга қўшимча яна қанча ҳосил қўшилаётганини инобатга оладиган, буларнинг барчасини ўзимизга тасаввур этадиган бўлсак, тақрор айтаман, бундай ғоят оғир ишни бажарган меҳнатчиларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шуни миннатдорлик билан таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ушбу йўналишдаги улкан лойиҳаларни амалга оширишда Осие тараққиёт банки ва Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва бир қатор араб мамлакатларининг молия институтлари томонидан ажратилган сармоялар катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритганда, қишлоқ жойларда тобора ривожланиб бораётган хизмат кўрсатиш шохобчалари ва муассасаларининг фаолияти, сервис хизмати хусусида кенгроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

Маълумки, ҳозирги вақтда қишлоқларимизда аънавий маиший хизматлар билан бир қаторда замонавий телекоммуникация тизимлари, хусусан, интернет, уяли алоқа, яъни мобиль телефон алоқаси, компьютерда турли хизматлар кўрсатишни ўз ичига оладиган янги сервис шохобчалари жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ жойларда уяли алоқа хизмати абонентлари сони 5 миллионга етгани, бу эса мамлакатимиз бўйича умумий кўрсаткичининг 30 фоизини ташкил этаётгани ва ушбу

рақам тез суръатлар билан ўсиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳудудларида янги технологиялар асосида коммунал хизматлар учун экспресс тўловларни қабул қиладиган 3 мингта шохобча ташкил этилди.

Айниқса, жорий йилда 4 минг 200 та қишлоқ мактаби, тақрор айтаман, фақатгина қишлоқда жойлашган мактаблар интернет тармоғига улангани бу соҳада амалга оширган жиддий ишларимиз қаторига киради.

Азиз дўстлар, ўзимиз бир ўйлаб кўрайлик, ҳозирги кунда айнан мана шундай коммуникация хизматларидан фойдаланиб, энг олис қишлоқда яшаётган одамлар ҳам – у фермер ёки тадбиркор бўладими, хунарманд ёки ўқитувчи бўладими – дунёнинг исталган чеккаси билан боғланиш, мулоқот қилиш, турли хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлишини бундан беш-олти йил олдин фараз қилиш мумкинми?

Энг асосийси, бундай хизмат турлари аҳоли эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, айна пайтда қишлоқ жойлардаги лицей ва коллежларни битирган минглаб фарзандларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг мана шундай замонавий касб эгаси бўлишига имкон яратаётгани, ўзингиз айтинг, бугун униб-ўсиб, ҳаётга кираётган ёшларимизнинг келажagini, истиқболини белгилаб берамайми?

Биргина жорий йилнинг ўзида фақат қишлоқ жойларда 460 мингта, жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобидан қарийб 380 мингта янги иш ўрни очилиб, уларда асосан ана шундай ўғил-қизларимиз фаолият кўрсатаётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш ҳақида гапирганда, энг ўткир ва долзарб яна бир масаланинг ечимини тўғрисида доимо ўйлашимиз тиббийдир. У ҳам бўлса, биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом авлод тарбияси, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш билан боғлиқ бўлиб, бу борада ҳам анча ишлар қилинди.

Мисол тариқасида барча қишлоқ туманларининг марказий шифохоналари умумий қиймати 12 миллион доллар бўлган тиббий анжомлар, 44 та «УАЗ» санитария машинаси, 280 та «Дамас-амбуланс» тез ёрдам машинаси билан таъминлангани, қишлоқ врачлик пунктларида 1 миллион доллар миқдорида тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилганини айтиш ўринли бўлади.

Энг муҳими, йил давомида 3 миллион 750 минг нафар қишлоқ аҳолиси малакали тиббий кўриқдан, 22 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёл махсус скрининг текширувидан ўтказилгани, 400 минг нафар бемор шифохоналарда даволаниб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаганини қайд этиш керак.

Қадрли дўстлар!

Ижозатингиз билан, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастуридан ўрин олган яна бир устувор йўналиш ҳақида атрофича тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Бугунги кунда ҳаётимизда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислохотларимиз қандай катта натижалар бераётгани ҳақида ҳар қанча фахрланиб, гурурланиб гапирсак арзийди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, бундан 12 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури

ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади.

Бу дастурлар доирасида юртимизда минг-минглаб лицей ва коллежлар, мактаблар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, энг юксак талаблар асосида жиҳозлашдек кенг кўламли вазифани қўйганимизда, бу ишларнинг қандай улкан, айтиш мумкинки, беқиёс мақсадларни кўзда тутишини камданкам одам ўзига тасаввур қиларди.

Бугун мамнуният билан таъкидлаш керакки, биз қандай қийин ва оғир бўлмасин, бу дастурларни қатъият билан амалга ошириб, бундай билим масканларини нафақат шаҳарларимизда, балки олис қишлоқ ва овулларимизда ҳам ягона намунавий лойиҳа ва мезонлар асосида бунёд этишга эришдик.

Бунинг натижасида барча ёшларимиз қатори қишлоқ болаларининг замонавий билим ва касб-хунарларга эга бўлиши, энг муҳими, уларнинг мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига кириб таълим олишига муносиб шароит туғдириб бериш учун ана шу иккита дастур қандай мустаҳкам замин яратганини бугун вақт ўтиб, барчамиз тушуниб етмоқдамиз.

Ўтган давр мобайнида ана шу лицей ва коллежларни 1 миллион 446 мингдан зиёд фарзандларимиз, жумладан, 1 миллион 55 минг нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабхаларда меҳнат қилаётгани бизнинг шу йўлда эришган энг катта ютуғимиз бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, бундан ўн-ўн беш йил олдин мактабларимиз, умуман, таълим муассасаларимиз қай аҳволда эди?

Ўша пайтда уларнинг бугунгидек энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсқиллар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланишини, спорт инфратузилмасига эга бўлиши, мактаб ҳаётига интернет тизими кенг кириб боришини ким фараз қила олар эди?

Айниқса, биргина жорий йилнинг ўзида шу борадаги ишларимиз янги босқичга кўтарилиб, **юртимиз бўйича жами 1 минг 957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси айнан қишлоқ жойларда экани диққатга сазовордир. Шулар қаторида 2009 йилда барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-хунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларимизда бунёд этилгани ва реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим.**

Айнан қишлоқ жойлардаги ана шу билим даргоҳларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун жами 895 миллиард сўм маблағ сарфлангани, айтиш керакки, мамлакатимиз тарихида илгари ҳеч қачон кўрилмаган ҳодисадир.

Мухтарам дўстлар, мен жойларда бўлиб, одамлар билан, фермер ва деҳқонлар билан учрашганимда, қишлоқ ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида, пахта, галла ҳақида гаплашамиз, булар албатта керак. Лекин, эътибор берган бўлсангиз, бундай мулоқотларда ёшу қари ўз қишлоғи ёки туманида қурилаётган мактаб, лицей ва коллежлар қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида тўхталиб, гапни авваламбор шундан бошлайдим.

Мен юртдошларимизнинг бундай тўлқинланиб, қувониб гапиришини табиий деб ўйлайман. Чунки халқимизнинг қониди, табиатида бўлган эзгу фазилатга кўра одамларимиз кўпроқ ўзини эмас, балки фарзандларини, уларнинг келажagini, бахту саодатини ўйлаб яшайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

айтадиган бўлсак, келажимизнинг мустаҳкам пойдевориغا айланб бораётган таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узокни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоян этмоқда.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, жорий йилда ўзининг амалий йўлини бошлаган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳам теран маъно-мазмун ва мақсадларига кўра юқорида тилга олинган дастурлар билан чамбарчас ва узвий боғланиб кетганини таъкидлаш лозим.

Энг муҳими, бу дастурлар бир-бирини тўлдириб, бир-бирига замин туғдириб бераётган, бир-бирининг мантқиқий давоми бўлиб, давлатимиз ва жамиятимиз ривожига бекиёс ҳисса қўшаётган ҳужжатлар, десак, янглишмаган бўламиз.

Шу маънода, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури ўз кўлами, аҳамияти ва моҳияти билан бугунги кунимиз ва эртанги келажимизнинг нафақат моддий томонларини, айна пайтда, маданий ва маънавий савиямизни ошириш, муҳтасар айтганда, бутун ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган бўлиб, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида муносиб ўрин эгаллаши мукаррар.

Бунинг тасдиғи ва исботи сифатида – шунга алоҳида эътибор бериш зарур – фақатгина шу йилнинг ўзида бу дастурни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 2 триллион 612 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Ишонманки, кириб келаётган 2010 йилда бу мақсадларга сарфланадиган маблағлар ўтган йилга нисбатан кам бўлмайди, иншоолло.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шундай улғ, қиёси ва ўлчови бўлмаган олижаноб ишларга ўз ҳиссасини қўшаётган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларга, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, хорижий давлатлар ва жамғармалар, халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган чет мамлакатларнинг элчи ва вакиллари, шу йўлда ҳолис хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Қадри ватандошлар! Энди, сиз, азизлар билан кириб келаётган янги 2010 йил ҳақида, унга қандай ном бериш, бошқача айтганда, эл-юртимизнинг эзгу интилишларига жавоб берадиган устувор мақсадлар ҳусусида фикр алмашиб, уларни ўзимиз учун аниқ белгилаб олсак, айна муддао бўларди.

Шу ҳақда ўйлаганда, биз биринчи навбатда давлатимиз ва жамиятимиз тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган, кенг қамровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин тутадиган режа ва вазифаларни ҳисобга олишимиз зарур.

Янги йилга олдимизда турган энг долзарб мақсадларни кўзлаб ном беришнинг яна бир боиси шундан иборатки, шу тариқа биз юртимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, ҳўжалик ва корхоналар, тижорат тузилмаларининг куч ва имкониятларини қўйилган вазифани бажариш йўлида сафарбар этишни назарда тутамиз.

Ўйлайманки, агар бу масаланинг туб моҳиятини, халқимизнинг орзу-ниятларига ҳамоҳанг бўлган аҳамиятини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, унинг нақадар муҳим ва шу билан бирга, нақадар мураккаб экани аён бўлади.

Бу масала устида жуда кўп ўйлаб, фикрлашиб, кўпчиликнинг таклиф ва мулоҳазаларини инobatга олиб, мен кириб келаётган 2010 йилга юртимизда «Баркамол авлод йили» деб ном беришни таклиф этмоқчиман.

Янги йилга айнан шундай ном беришнинг сабабларини исботлаб бериш, ўйлайманки, қийин эмас.

Аввало, биз, яъни халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон нима-ники ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиде нима туради?

Бу саволга ҳаммамиз, табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажигини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради, деб жавоб берамиз.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизнинг маъно-мазмунини шунда эмасми?

Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодгига бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта.

Келинлар, шу масала устида атрофлича бир фикр юритиб кўрайлик. Агар биз ўз вақтида узокни кўзлаб эртага ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-хунар эгаллаши учун замин яратмасак, уларни замон талаб қиладиган мутахассис кадрлар этиб тайёрламасак, бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз даврида юртимизда тинчликни сақлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга, айна шундай оғир шароитда халқимиз ҳаётининг тобора юксалишига эриша олармидик?

Иўк, албатта. Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шунинг учун ҳам бу ўта муҳим масалани доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси сифатида кўришимиз даркор.

Албатта, ўтган йиллар тажрибасини инobatга олган ҳолда, биз 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном беришимиз муносабати билан махсус давлат дастурини тайёрлашимиз ва унинг ижросини таъминлашимиз зарур.

Бу дастурни ишлаб чиқишда манфаатдор идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли мутахассислар, қисқача айтганда, кенг жамоатчилигимиз жалб қилиниши табиий, албатта.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, бу дастур ўзига қамраб оладиган йўналишлар, амалга оширилиши зарур бўлган асосий чора-тадбирлар қаторида энг муҳим масалалар ва вазифалар ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Энг аввало, бу борада мавжуд ҳуқуқий ва юридик базани танқидий кўз билан қараб, уларга бугун замон талаб қиладиган тегишли ўзгартириш

ва қўшимчалар киритиш, керак бўлса, олдимизга қўйган мақсадларга жавоб берадиган янги ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва Олий Мажлисимиз томонидан қабул қилиш катта аҳамиятга эга.

Табиийки, соғлом авлод деганда, барчамиз биринчи навбатда соғлом наслин тушунамиз. Шу борада ўтган йиллар давомида «Соғлом она – соғлом бола» ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Хусусан, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқхоналар барпо этиш, бир сўз билан айтганда, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш мақсадида марказда ва жойларда анча ишлар қилинганидан барчамиз хабардормиз.

Бу ишларни эътироф этган ҳолда, турли хил сабаблар туфайли инсон соғлигига салбий таъсир кўрсатадиган хавф-хатарларнинг олдини олиш, медицина хизматининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, шу соҳага посбон бўлган шифокорларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича бугун олдимизда янги-янги вазифалар пайдо бўлаётганини ҳам биз ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Ана шундай кенг қамровли вазифаларни ҳисобга олиб, биз 2010 йилда давлат бюджетиде соғлиқни сақлаш соҳасидаги харажатларимизни 1 триллион 700 миллиард сўм атрофида белгилаб, яъни, бу йилга нисбатан 30 фоизга кўпайтиришни кўзда тутмоқдамиз.

Ўрни келганда айтиш керакки, янги 2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Баркамол авлод ҳақида сўз борганда, ўтган йиллар давомида катта куч ва маблағ ҳисобидан таълим соҳасида барпо этилган моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласи қанчалик муҳим экани барчамизга аён бўлиши керак, деб ўйлайман.

Шулар қаторида давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим тизимида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарур.

Шунингдек, ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор.

Такрор айтишга тўғри келади – таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усуллари ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлигига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришининг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим.

Қабул қилинадиган дастурда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошлаган катта ишларимизни ҳеч сусайтирмасдан давом эттириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар қайси шахар ва қишлоқда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар пунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт

устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалалари кенг ўрин олиши керак.

Айни пайтда касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлигини битириб чиқаяётган ёшларимиз эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш масаласига принципиал аҳамият берилиши ва бу вазифа дастурда ўзининг муносиб ўрнини топиши даркор.

Бу борада шуни эътиборга олишимиз керакки, ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги ижтимоий фаол аҳолининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида банд. Шундай экан, бу соҳани янада ривожлантирмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келгуси тараққиётини ўзимизга тасаввур қила олмаيمиз.

Нега деганда, меҳнат фаолиятининг айнан шу йўналиши бугунги кунда аҳолиимизнинг катта қисми учун нафақат асосий даромад манбаи, балки дунёнинг барча ривожланган давлатларида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам шаклланиб келаётган ўрта синф бўлмиш мулкдорлар синфининг муҳим таркибий қисми, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг таянчи ва суянчи ҳисобланади.

Шундай ўта муҳим омилларни инobatга олган ҳолда, қабул қилинадиган дастурда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси олдида ҳали-бери мавжуд бўлган муаммоларни ечиш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиш, барча ҳудуд ва минтақаларда, аввало, қишлоқ жойларда бу соҳага ёшларни жалб этиш учун етарли шароит ва имтиёзлар яратиб бериш масаласи катта ўрин эгаллаши зарурлигини ҳаммамиз, биринчи навбатда маҳаллий раҳбарлар яхши англаб олишимиз даркор.

Олдимизда турган яна бир муҳим масалага диққатингизни қаратишни лозим деб биламан. Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугунги кунда тараққиёт ҳақида сўз борганда, илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, албатта.

Биз мамлакатимизнинг келажигини кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда тараққиёт топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва олий ўқув юртлири таркибида янги лабораториялари ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишига эришимиз керак.

Бу масалани ҳозирги вақтда олдимизда турган долзарб вазифалардан бири сифатида кўришни бугун замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли, талантли ёшларимизни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада валюта маблағлари билан таъминлаш эзгу орзу-ниятларимизга жавоб берадиган бир иш бўлур эди.

Ўйлайманки, бу фикр мана шу залда ўтирганлар кўлаб-қувватлайди. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳим, мен айтган бўлардимки, ҳал қилувчи бўғини бўлмиш оилага алоҳида эътибор бериш ва уни ҳар томонлама асраб-авайлаш тадбирларини бўлажак да-

стурнинг узвий қисми сифатида кўришимиз зарур.

Халқимизда «Қуш ўз уясида кўрганини қилади», деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно-мазмун бор.

Ўғил-қизларимизни эл-юртимизга муносиб фарзанд, эртага Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялаш аввало оила бағрида, оиланинг соғлом иқлими, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ҳурмати шароитида чуқур илдиз отишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз.

Бундан хулоса шуки, соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги куриляётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳалларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа деб билишимиз даркор.

Маълумки, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлгимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва беғона бўлган турли хил хуржлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва оғоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гийҳандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор. Бу масалалар дастурда албатта ўз ифодасини топиши зарур.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим! Бугун ҳеч қимса сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср.

Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмас, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмас – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши мукаррар.

Буни чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққиёт топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қиляётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади.

Бугун бизнинг демократик давлат, фуқаролик жамияти, замонавий иқтисодиёт тизимини барпо этиш, дунёда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида эришаётган ютуқларимизни ва барқарор натижаларимизни жаҳон жамоатчилиги тан олаётган экан, бунинг боиси нимада, деган табиий савол туғилади.

Бунинг боиси – аввало, эл-юртимизнинг қандай бой тарих ва маданий-маънавий меросга эга эканида, унинг интеллектуал салоҳияти ва илдизлари нақадар чуқур эканида, халқимизнинг ўз олдида қўйган юксак мақсадларга эришиш йўлида қандай буюк ишларга қодир эканидир.

Бунинг боиси – биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва эзгу мақсад-муддаомиз бўлмиш эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, иншоолло.

Шу юксак минбардан туриб, мана шу муҳташам залда ўтирган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бугун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу тиллақларимни билдиришдан бахтиёрман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

А Х Б О Р О Т

1-бетада

тириш, корхоналарни модернизация қилишни, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни тезлаштириш учун шароит яратди.

Аҳоли турмушини янада яхшилаш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ставкаси солиқ солишнинг биринчи шкаласи бўйича 12 фоиздан 11 фоизга пасайтирилади. Шу билан бирга солиқ солинадиган даромаднинг олий ўқув юртларида таълим олиш учун тўланадиган, шунингдек, Халқ банкидаги фуқароларнинг жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда ўтказиладиган маблағлар суммаси миқдориди камайтириш тарзидаги қўшимча имтиёзларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар 2010 йилги Давлат бюджети ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қилинадиган харажатлар улушини 2009 йилдаги 55,6 фоиздан 2010 йилда 59,1 фоизгача кўпайтиришни назарда тутаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу ҳужжатда соғлиқни сақлаш, таълим, ночор аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларини молиялаштириш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақаларни ошириш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқиш, тасдиқлашди. Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аҳолининг бандлиги, даромадлари ва турмуш даражаси ўсишини таъминлаш, меҳнат бозорига иш кучига бўлган талабни ошириш учун республика ҳудудлари ва иқтисодий тармоқларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалий ҳал қилишдаги масъулиятини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Сенаторлар Дастурнинг прогноз кўрсаткичлари меҳнат бозорига биринчи марта чиқаётган ёшларни ва иқтисодий таркибий қайта ўзгаришлар натижасида бўшаб қолаётган ходимларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларига бўлган талабни, шунингдек янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича барча мавжуд имкониятлар ва захираларни баҳолашдан келиб чиқиб белги-ланганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Дастурда 2010 йилда Инвестиция дастурини, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш, кичик корхоналар, микрофирмалар очиб ҳамда хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликка, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжалиқларини кенгайтириш ҳисобига 950 мингта янги иш ўринларини яратиш назарда тутилмоқда.

Шундан кейин парламент юқори палатаси аъзолари ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган «Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидандир. Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларига сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳамда унумдорлигини оширишга, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этишга, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан шуғулланиш учун шароитларни маъқуллаштиришни ҳамда хўжалиқларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжалигини юритиш учун бериладиган ер участкасининг энг кам майдонини кўпайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга, солиқ мажбуриятларини бажаришдан бош торганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун ҳисоб-китоб терминалидан фойдаланмаган ҳолда фаолият юритганлик ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул

қилишни рад этганлик учун молиявий жавобгарлик белгилайди. Солиқ солинадиган жами даромаддан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун тўланадиган маблағларни, шунингдек Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларни чегириш тарзида жисмоний шахслар учун қўшимча имтиёзлар киритилмоқда. Корхоналарнинг ҳомийлик ва хайрия фаолиятини рағбатлантириш мақсадида юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси ҳомийлик ва хайрия ёрдами тарзидаги бадаллари, маблағлари суммаси миқдориди, лекин кўпи билан икки фоизга камайтирилиши белгилаб қўйилмоқда. Қонунда Солиқ кодексининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлашга қаратилган аниқлик киритиш ва тушунтириш тарзидаги бошқа ўзгариш ва қўшимчалар ҳам назарда тутилган. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Ушбу Қонунни ривожлантириш тарзида сенаторлар «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам маъқулладилар. Қонунда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Хусусан, Қонун билан органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан солиқ тўловларининг мажбуриятлари юзасига келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби бузилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгилашмоқда. Қонунга мувофиқ мазкур тоифадаги маъмурий ишларни кўриш давлат солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига ва унинг жойлардаги бўлинмаларига тааллуқли қилиб қўйилмоқда.

Сенаторлар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бошқа қонун ҳужжатларидаги атамаларни мазкур қонунлардаги атамалар билан бир хилда қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар мазкур Қонун жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, ҳақиқатни аниқлаш, қонунийлик ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини амалга оширишга йўналтирилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш муддати прокурор томонидан суриштирувчи ёки терговчининг асосланган қарорига кўра бир ойгача узайтирилиши мумкинлигини назарда тутадиган ўзгаришлар киритилаётганлигини таъкидладилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида қайд этилганидек, ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлда қабул қилинган «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган.

Қонуннинг асосий мақсади тижорат банклари учун молиявий восита сифатида облигацияларни кенг қўламда чиқаришнинг қонунчилик базасини яратишдан иборат. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши молиявий ресурсларни узоқ муддатли асосда жалб этиш учун банкларга қулай шароитлар яратиш беради, бу эса мазкур маблағларни иқтисодийнинг реал секторига лойиҳаларга самарали инвестициялаш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тавсифини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқди-

лар. Ушбу Қонун «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилиб, қабул қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низомни ва унинг тавсифини тасдиқлашни назарда тутиши қайд этилди. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисидаги низом Фахрий ёрлиқ билан мукофотланиши мумкин бўлган субъектларни аниқлаб қўяди, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдориди бир йўла тўланадиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғаси берилишини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғининг тавсифи Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғининг ўлчамини, рангини, тасвирларининг моҳиятини ва бошқа тегишли маълумотларни белгилайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини амалда таъминлашни ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаганлик учун жавобгарлик белгилайди. Шу жумладан, ушбу модда одамлар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етишига олиб келган, атроф табиий муҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солган ҳуқуқбузарлик учун, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни яширганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки фавқулодда вазиятлар ҳақида атайин сохта ахборот тақдим этганлик учун ҳам жавобгарликни назарда тутди.

Қонун билан бу ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартиби ҳам белгиланган. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Кун тартибига киритилган бошқа бир қатор қонунлар ҳам Сенат аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

5 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисида»ги Қарори бажарилишининг бориши ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Мажлисида қайд этиб ўтилдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан мамлакатимизнинг иқтисодий стратегиясини амалга ошириш, Ўзбекистонда қабул қилинган ислохотлар ва модернизациялашнинг ўз моделини изчил рўёбга чиқариш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ҳамда унинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш борасида қўйилган дастурий вазифаларнинг бажарилиши иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари сақланиб қолишини таъминлади. 2009 йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари 9,1 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш 3,3 фоизга, хизматлар кўрсатиш 15,8 фоизга ошди. Мамлакатимиз экспортчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинаётган маҳсулотлар номенклатураси ва экспорт бозорлари географияси кенгайди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 2,3 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ бўлиши таъминланди.

Инқирозга қарши чоралар дастурини бажаришда маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган бўлиб, улар белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол ва бевосита қатнашишлари керак.

Сенатнинг 2009 йил 27 мартдаги мазкур Қарори бажарилишини ўрганиш шуни кўрсатдики, умуман олганда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ишида 2009 йил апрель ойидан бошлаб бу йўналишда ижобий силжишлар кўзга ташланди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида ва уларнинг доимий комиссиялари мажлисларида

инқирозга қарши чораларнинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилиши учун жавобгар бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисоботлари тинглаб борилмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари билан давлат ва хўжалик бошқаруви ҳудудий органлари ўртасида ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш ҳамда фаолиятни мувофиқлаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўпчилик ҳолларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари инқирозга қарши комиссиялар таркибига киритилган.

Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлик гуруҳларининг Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш доирасида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган масалаларни кун тартибига қўйиш борасидаги фаолияти кучайди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ишида маҳаллаларнинг аҳолиси билан ўтказилган учрашувлар яқунлари бўйича ташкилотларга сўровлар юбориш каби иш усулидан тобора самарали фойдаланилмоқда. Сенат мажлисида депутатлик сўровларида кўтарилган масалаларни ҳал қилиш натижасида Андижон вилоятида қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш, иш ўринлари яратиш, хусусий корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратиш, кўп қаватли уйларни капитал таъмирлашни тугаллаш, аҳоли пунктларини газлаштириш ва бошқа масалалар юзасидан амалий ёрдам кўрсатилганлиги ҳақида аниқ мисоллар келтирилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг доимий комиссиялари билан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг соҳалар бўйича доимий комиссиялари ўртасида ҳамкорлик қилиш механизми йўлга қўйиб борилмоқда. Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари маҳаллаларнинг фаолларини, таълим муассасаларининг ходимларини жалб этган ҳолда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир оқибатларини юмшатиш юзасидан давлатимиз томонидан кўрилатган чораларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Депутатларнинг ўз депутатлик вазифаларини бажаришлари учун масъулиятини оширишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Масалани муҳокама қилиш асносида сенаторлар Сенатнинг юқорида кўрсатиб ўтилган Қарорини амалга ошириш борасида айрим халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир қатор тақлифлар билдирдилар, шунингдек, Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурида назарда тутилган тадбирларни сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулигини янада ошириш юзасидан қатор тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибларига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қиролигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчи вазифасига тайинлаш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчи вазифасига тайинлаш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Икки кун давом этган мажлисида 20 дан ортқ масала, шу жумладан, амалга оширилиши демократик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришда, одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўладиган 13 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Оқсаройда 5 декабрь куни Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Юртдошларимиз энг улуг ва энг азиз байрамимиз – Мустақиллик кунини ўзгача интиқлик билан кутади. Истиклол шодиёналари ҳар бир хонадонга кириб боради, ҳар бир қалбга қувонч бағишлайди. Айниқса, анъанага мувофиқ Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг фармонлари билан эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига улкан ҳисса қўшган юртдошларимизнинг юксак мукофотлар билан тақдирланиши миллий байрамимизга янада улғурлик бағишлайди.

Оқсаройда 5 декабрь куни ана шу мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

– Бугун сиз, азизлар билан мана шу муҳташам залда кўришиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишдан бениҳоя хурсандман, – деди давлатимиз раҳбари.

Ҳар йили Конституция куни арафасида Мустақиллик байрами муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган юртдошларимизни кутлаш, уларга ана шу мукофотларни топшириш анъанавий бир тантанана, олижаноб бир одатга айланб бормоқда. Сиз, мамлакатимиз мукофотларига сазовор бўлган вакиллар билан мана шу муаззам саройда учрашар эканман, сизнинг тимсолингизда мен ўзимни бамисоли бутун Ўзбекистон бўйича мукофотланган ватандошларимизни ҳам шу ерда қабул қилаётгандек ҳис этаман. Сиз, ҳурматли юртдошларимга Ватанимиз мукофотларини топширишни ўзим учун катта шараф деб биламан, деди Президентимиз.

Ҳеч кимга сир эмас, якунига етаётган 2009 йил мамлакатимиз, юртимиз учун осон йил бўлмади.

Бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон миқёсида давом этаётгани ҳақида, бу инқироз қандай оғир муаммоларни туғдираётгани, ишсизлар сони кўпаяётгани, иқтисодий ривожланиш суръатлари ва аҳолининг турмуш даражаси пасайиб бораётгани ҳақида, ўйланманки, барчангиз хабардорсиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамизки, дунёдаги барча давлатлар ва халқларнинг бошига тушган бундай савдодан бизнинг мамлакатимиз ҳам четда қолаётгани йўқ.

Бу табиий бир ҳол. Нега деганда, бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қаторида дунё бозорининг ажралмас узвий бир қисмига айланмоқда, келажакда бу алоқалар бундан ҳам мустаҳкамланиб боради.

Айнан мана шундай оғир бир вазиятда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига салбий таъсир ўтказаяётган инқирозни юмшатиш ва бартараф этиш, лўнда қилиб айтганда, тараққиётимиз суръатларини сақлаш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини янада ошириш вазифалари нақадар мураккаб эканини тушуниш, англаш қийин эмас, албатта.

Ўзбекистонимиз дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида бундай натижалар ва юксак марраларга эришаётгани, жаҳон жамоатчилиги бундан тан олаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Мамлакатимизнинг, ҳақиқатан ҳам, кўпчиликни ҳайратда қолдираётган марраларга чиқишга муносиб ҳисса қўшаётган турли соҳа ва тармоқларидан кўпгина мисоллар келтириш қийин эмас. Биргина қишлоқ хўжалиги соҳасини оладиган бўлсак, бу йил об-ҳавонинг ўта оғир келгани, баҳордаги узлуксиз ёғингарчилик туфайли экиш мавсумининг бир ой орқага сурилиб кетгани ва бошқа кўплаб қийинчиликлар деҳқон ва фермерларимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.

Фермер ва деҳқонларимизнинг меҳнатсеварлик, изланувчанлик ва омилкорлик фазилатлари эвазига мамлакатимизнинг пахтачилик ва галлалчилик тарихига шу йилнинг ўзида янги саҳифа бўлиб кирадиган улкан ютуқларни қўлга киритдик, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугунги кунда халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини сақлаш йўлида, қурилиш ва ободончилик, илму фан, таълим-тарбия, адабиёт, маданият ва санъат, спорт ва бошқа турли-турли соҳаларда амалга оширган катта ишларимизнинг натижаларини ва қиёфасини барча

узоқ ва яқин ҳудудларимизда, ҳар қайси қишлоқ ва шаҳар мисолида яққол кўриш мумкин.

Айнан ана шундай ҳаммамизни қувонтирадиган юксак марралар ҳақида гапирганда, буларнинг барчаси кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган халқимизнинг фидокорона меҳнати, мустаҳкам иродаси, ўз ери, ўз Ватанига бўлган меҳри ва садоқати туфайли қўлга киритилганини ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз, ўйламанки, барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу борада бир фикр, бир ҳақиқатга эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Барчамизга аёнки, ҳар қайси жамоада – бу ишлаб чиқариш корхонаси ёки фермер хўжалиги бўладими, ижод ёки маданият муассасаси, тиббиёт ёки таълим маскани, ҳарбий қисм ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бўладими – буларнинг барчасида ўзининг меҳнати, ақл-заковати, билим ва тажрибаси, олижаноб инсоний фазилатлари ва аломатлари билан бошқаларга ибрат ва намуна кўрсатадиган фидойи инсонлар, етакчиларнинг роли, аҳамияти ва таъсири бекиёсдир. Айни шунинг учун халқимиз буларни юксак қадрлайди ва эъзозлайди.

Мен бугун мана шу даврада ўтирган сиз, азизларни – эл-юртимиз олдидаги муносиб хизматлари учун Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган муҳтарам юртдошларимизни ана шундай инсонлар қаторида кўраман ва барчангизни бағримга босиб, чин қалбимдан яна бир бор табриклашни ўзим учун катта бахт деб биламан, деди Юртбошимиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шу кунларда шаҳар ва қишлоқларимизда ана шундай юксак мукофотларни қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни ҳам ўзимнинг яқин қадрдонларим сингари гойибона бағримга босиб, «Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!» деб самимий табриклайман.

Мамлакатимиз раҳбари давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

– Менинг ниятим, менинг тилагим – кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак унвон ва нишонлар ҳаммангизга буюрсин, ҳаёт йўлларида сизларга куч-ғайрат ва шижоат бахш этсин, – деди Президентимиз Ислоҳ Каримов. – Барчангизга сихат-саломатлик, ишларингизга ривож, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пўлат эритиш цехи эритувчиси Алим Тўйчиев, II даражали Давлат мукофоти совриндори, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Виталий Троицкий, «Эл-юрт ҳурмати» ордени совриндорлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими масъул котиби Энаҳон Сиддиқова, Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқий театри директори Нажматдин Ансатбоев, Пахтакор туманидаги «Анвар-А» фермер хўжалиги раҳбари Анорбой Эшматов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар, Республика мусиқа коллежи ўқитувчиси, эстрада хонандаси Зоя Цой, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси Сардор Раҳимхон, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Маҳмуд Исмоилов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Тошкент Тиббиёт академияси проректори Дилбар Нажмиддинова, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетини ректори Темир Ширинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директори Дилдора Жамолова, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юқори суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундашгани, янгидан-янги марраларни эгаллашга илҳомлантиришини таъкидладилар, юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

Ў.А.


Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ*

МОЗОРИ ШАРИФГА ПОЕЗДЛАР ҚАТНАЙДИ

2009 йил 20 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Хайратон ва Мозори Шариф ўртасидаги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш, қуриш, ўрнатиш ва фойдаланишга топшириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 298-сон қарори қабул қилинди.

Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) Директорлар кенгаши томонидан 2009 йил 30 сентябрда «Хайратон ва Мозори Шариф ўртасидаги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш, қуриш, ўрнатиш ва фойдаланишга



топшириш» лойиҳасини молиялаштириш учун Афғонистон Ислоҳ Республикасига грант бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси лойиҳани амалга ошириш бўйича бош пудратчи этиб белгиланган бўлиб, у билан Афғонистоннинг Жамоат ишлари вазирлиги ўртасида темир йўл қуриш учун 129 млн АҚШ доллари суммасида контракт тузиш келишилган. Белгиланишича, кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга оширишда шунингдек «Боштранслэйв» ОАЖ – бош лойиҳалаштирувчи; юридик шахслар – ёрдамчи пудратчилар, тузилган шартномаларга мувофиқ бош пудратчига товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилувчи етказиб берувчилар сифатида қатнашадилар. Ҳужжат билан ходимларнинг Афғонистонга хизмат сафарлари, улар ҳаёти ва соғлигини суғурталаш, зарур бўлган товарларни олиб чиқиш ва уларни расмийлаштириш ҳамда бошқа ташкилий масалалар тартибга солинган.

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруқлари (АВ томонидан 2009 йил 24 ноябрда 2046, 2047, 2048-сонлар билан рўйхатдан ўтказилган) билан Штамплаш ишлаб чиқариши, иссиқлик изоляция материаллари ишлаб чиқариш ходимлари ва матбаа ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тасдиқланди.

2009 йил 4 декабрдан кучга кирди.

КЕЛИШИШ УЧУН 20 КУН

Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Кимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 24 ноябрда 1899-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Кимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга (2009 йил 6 феврал-

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 21 ноябрдан 26 ноябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 48-сон асосида тайёрланди.

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogta.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 12 ноябрдаги 244-аф-сонли буйруғига асосан қуйидаги аудиторлик ташкилотларига берилган лицензияларнинг амал қилиши 2009 йилнинг 12 ноябридан тугатилди:

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «GURLAN-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2009 йил 16 январда берилган 00390-сонли лицензия.

«МАДИНА АУДИТ СЕРВИС» хусусий аудиторлик корхонасига 2008 йил 11 апрелда берилган 00703-сонли лицензия.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 20 ноябрдаги 245-аф-сонли буйруғига асосан масъулияти чекланган жамият шаклидаги «G'OFUR-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2008 йил 10 мартда берилган 00122-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 20 ноябридан тугатилди.

Молия вазири ўринбосари М.МИРЗАЕВ.

даги 1899-сон) ўзгартишлар киритилди. Улар билан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органга профессионал иштирокчининг ваколатли бошқарув органи билан зиммасига ички назорат ташкил этилиши юкланадиган назоратчи номзодини келишиш учун 20 кунлик муддат белгиланган. Номзод профессионал иштирокчида, фонд биржаларида ёхуд иқтисодий, молиявий ва юридик фаолият соҳаларида ёки кўрсатилган йўналишлар бўйича давлат бошқарув органларида камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши кераклиги тўғрисидаги талаб чиқариб ташланди.

2009 йил 4 декабрдан кучга кирди.

РЎЙХАТГА ИНДОНЕЗИЯ КИРИТИЛДИ

Тошкент шаҳрида 2008 йил 13 майда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Индонезия Республикаси ҳукумати ўртасида Савдо битими 2009 йил 30 сентябрдан кучга кирганлиги муносабати билан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 24 ноябрда 426-б-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхатига (1998 йил 8 апрелдаги 426-сон) алфавит тартибида Индонезия киритилди.

2009 йил 4 декабрдан кучга кирди.

ПЕНСИЯЛАР ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 26 ноябрда 2049-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тай-



инланган пенсияларнинг миқдорини тенглаштириш ва қайта ҳисоблаб чиқиш мақсадида, иловага мувофиқ янги, йиллар бўйича дифференцияланган тузатувчи коэффициентлар ўрнатилди. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инobatга олинади – 2009 йил 1 декабрдан бошлаб у 301 440 сўми (37 680 сўм х 8) ташкил этади.

2009 йил 6 декабрдан кучга кирди.

ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА ҲИССАЛАРИ

? Масъулияти чекланган жамиятнинг устав фондини унинг иштирокчилари қўшимча ҳиссалари ҳисобига кўпайтириш тартиби 2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон Қонуннинг 18-моддасида белгиланган, унда айтилишича, жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарор билан бир вақтда унинг таъсис ҳужжатларига кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши керак. Булар қандай ўзгартишлар? Кўпайтирилган фонд ва муайян муддат мобайнида ўз улушини тўлдириш ниятида бўлган иштирокчининг кўпайтирилган ҳиссасими? Таъсис ҳужжатларига киритиладиган барча ўзгартиш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилади. Бироқ тўлдириш муддати ҳали яқунланмаган, ҳисса тўлдирилмаган, устав фонди шакллантирилмаган ва рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас. Мазкур вазиятга аниқлик киритсангиз.

Таъсис ҳужжатларига иштирокчилардан бирининг улушини кўпайтириш, бинобарин, устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтида ўзгартишлар киритиш лозимми ёки ушбу ўзгартишлар иштирокчи томонидан ҳисса киритилган ва устав фонди тўлиқ шакллантирилган пайтда киритилдими?

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон, бундан кейин – Қонун) 16-моддасининг учинчи қисмига кўра жамият устав фондини (устав капиталининг) кўпайтирилиши МЧЖнинг мол-мулки ҳисобига, жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига ва (ёки), агар бу нарса жамиятнинг устави билан тақиқланган бўлмаса, жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

МЧЖнинг устав фонди унинг иштирокчилари қўшимча ҳиссалари ҳисобига кўпайтирилган тақдирда бу ҳақда

тегишли қарор қабул қилинади, унда қўшимча ҳиссаларнинг умумий қиймати, ҳар бир иштирокчи қўшимча ҳиссасининг миқдори ва уларни тўлиқ киритиш муддати акс эттирилиши керак.

Қонун 18-моддасининг тўртинчи қисмига кўра бир вақтнинг ўзида таъсис ҳужжатларига МЧЖ иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар киритиш ҳисобига жамият устав фондини миқдорини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартишларни киритиш тўғрисида қарор ҳам қабул қилиниши керак. Мазкур ҳолда юридик ҳаракат тўғрисидаги қарор тўғрисида сўз боряпти, яъни уни алоҳида ҳужжат кўринишида қабул қилиш мажбурий эмас. Устав фон-

дини кўпайтириш тўғрисидаги қарорнинг бандларидан бирида уни қабул қилиш муносабати билан таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кераклигини кўрсатиш керак. Ҳозирги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг матнини келтириш ҳам, уларни устав ва (ёки) таъсис шартномасига киритиш ҳам лозим эмас (1-намунага қаранг).

Кўрсатилган қарор қабул қилинганидан кейин иштирокчилар тегишли ҳиссаларни киритишлари керак. Улар бир вақтнинг ўзида ёки бўлиб-бўлиб киритилиши мумкин, бироқ асосийси, бу белгиланган муддатда қилиниши керак. 310-II-сон Қонун 18-моддасининг бешинчи қисмига кўра қўшим-

ча ҳиссаларни қўйишнинг муддати тугаган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссаларини қўйиш яқунларини тасдиқлаш ҳақида ва таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур ҳолда у алоҳида ҳужжат кўринишида расмийлаштирилади, унда ҳиссаларни киритиш далили бўйича таъсис ҳужжатларига ўзгартириладиган қоидаларнинг тўлиқ рўйхати келтирилади (2-намунага қаранг). Ўзгартиш ва қўшимчалар қарорнинг ўзида ёки ундан алоҳида ҳужжатда (унга иловада) баён этилиши мумкин. Айтиш мумкин, Мазкур босқичда таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилади (улар тўлалигича янги тахрирда қабул қилиниши мумкин).

Сўнгра Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида низомнинг (Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган) 33-бандига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъект (бизнинг ҳолатда МЧЖ) кўрсатилган қарор қабул қилинганидан кейин 7 иш куни мобайнида шахсан келиб ёки почта алоқаси воситасида уни рўйхатдан ўтказган

органга қуйидагиларни тақдим этиши керак:

- ариза;
- таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори;

- муҳр билан тасдиқланган ҳолда икки нусхада ўзгартиш ва қўшимчалар матни;

- давлат божи тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати;

- таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав фондини миқдори шакллантирилганлиги тўғрисида ҳужжат, шунингдек жамият томонидан муассисларга берилган, жамият муассислари томонидан тўлиқ ҳисса киритилганлиги тўғрисида гувоҳномаларнинг ва жамият иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар тўлиқ миқдорда киритилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхалари.

Кўрамазки, устав фондини кўпайтирилиши муносабати билан таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш фақат унинг миқдори тўлиқ (эълон қилинган) ҳажмда шакллантирилганидан, МЧЖ барча иштирокчилари томонидан ҳиссалар, шу жумладан қўшимча ҳиссалар тўлиқ киритилганидан кейингина амалга оширилади.

МЧЖ иқтисодчиси.

1-намуна

МЧЖ (ҚМЖ) ИШТИРОКЧИЛАРИ УМУМЙ ЙИГИЛИШНИНГ _____-сон БАЁННОМАСИ*

(жамият номи)

КУН ТАРТИБИ:

Жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига устав фондини миқдорини кўпайтириш.

Кун тартиби бўйича кворум мавжуд: _____ (овозлар сони)

Йиғилиш раиси: _____

Йиғилиш котиби: _____

Кун тартибига қўйилган масала бўйича тингланди:

- _____ (Ф.И.О.)
- _____ (Ф.И.О.)

(чиқишларнинг моҳияти баён этилсин)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон) 30-моддасига мувофиқ жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарор қилди:

1. Жамиятнинг устав фонди _____

суммадаги жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига _____ сўмдан (давлатки устав фонди миқдори)

_____ сўмга кўпайтирилсин. (кўпайтирилган устав фонди миқдори)

Жамиятнинг устав фонди унинг иштирокчилари қўшимча ҳиссалари ҳисобига кўпайтирилиши муносабати билан жамиятнинг устав фондида иштирокчилар улушларининг қуйидаги миқдорлари белгилансин:

- | | | |
|-----------------------------|----------------------------------|--------------------------|
| 1. _____ (иштирокчи Ф.И.О.) | _____ (улушнинг номинал қиймати) | _____ (улуш миқдори %да) |
| 2. _____ (иштирокчи Ф.И.О.) | _____ (улушнинг номинал қиймати) | _____ (улуш миқдори %да) |
| 3. _____ (иштирокчи Ф.И.О.) | _____ (улушнинг номинал қиймати) | _____ (улуш миқдори %да) |
| 4. _____ (иштирокчи Ф.И.О.) | _____ (улушнинг номинал қиймати) | _____ (улуш миқдори %да) |

Қўшимча ҳиссалар иштирокчилар томонидан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан мазкур қарор қабул қилинган кундан бошлаб _____ кун мобайнида киритилиши керак.

2. Қабул қилинган мазкур қарорга мувофиқ жамиятнинг таъсис ҳужжатларига (устав, таъсис шартномаси) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

*Кўчирмаларда. Ҳужжатнинг тўлиқ намунаси «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида келтирилади.

2-намуна

МЧЖ ИШТИРОКЧИЛАРИ УМУМЙ ЙИГИЛИШНИНГ _____-сон БАЁННОМАСИ*

(жамият номи)

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар киритилиши яқунларини тасдиқлаш.

2. Жамиятнинг устави ва таъсис шартномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

Кун тартиби бўйича кворум мавжуд: _____ (овозлар сони)

Йиғилиш раиси: _____

Йиғилиш котиби: _____

Кун тартибига қўйилган масала бўйича тингланди:

- _____ (Ф.И.О.)
- _____ (Ф.И.О.)

(чиқишларнинг моҳияти баён қилинсин)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1) жамият иштирокчилари томонидан ҳиссалар киритилиши тасдиқлансин:

1. _____ (ҳисса киритган иштирокчининг Ф.И.О.) _____ сўм миқдоридан;

2. _____ (ҳисса киритган юридик шахснинг номи) _____ сўм миқдоридан;

(юридик шахс ввакилининг Ф.И.О. ва лавозими)

_____ сўм миқдоридан;

2) ҳиссалар _____ (МЧЖнинг тўлиқ номи)

МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилиши _____-сон баённомасининг «Жамият иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар киритилиши йўли билан устав фондини миқдорини кўпайтириш тўғрисида» _____-бандида кўрсатилган тўлиқ ҳажмда киритилганлиги эътиборга олинсин;

3) жамият уставига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- _____
- _____
- _____

(киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти акс эттирилсин: ... банд қуйидаги тахрирда баён этилсин: ...; ... бандида ... сўзлари ...га алмаштирилсин ва ҳокazo)

4) жамиятнинг таъсис шартномасига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- _____
- _____
- _____

(киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти ҳақида кўрсатилганга ўхшаш баён этилсин)

5) таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши мазкур қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб _____ кун мобайнида амалга оширилсин (Қонуннинг еттинчи қисмига мувофиқ кўрсатилган муддат қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 ойдан ошмаслиги керак).

NORMA Мақола электрон маълумотнома тизим материаллари асосида тайёрланди

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.

Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29

E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

Артём АДЕЕВ,
«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.

Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси Кенгашининг юридик бўлимига меҳнат муносабатлари билан боғлиқ жуда кўп саволлар келади. Уларнинг кўпи бир-бирига ўхшайди. Шу сабабли уларга бериладиган жавоблар газетамиз ўқувчиларига қизиқарли ва фойдали бўлади деб ўйлайман.

**Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси
Кенгашининг юридик бўлими мудир.**

БАЖАРИЛГАН ИШ УЧУН

– Бўш турган (вакансияли) лавозим бўйича мажбуриятларни бажарганлик учун қўшимча тўловлар миқдорини қандай талаблар тартибга солади?

– Касблар (лавозимлар)ни бир-галликда олиб бориш деб иш куни доирасида, биргина иш берувчида ўзининг асосий, меҳнат шартномасида белгиланган иши билан бир қаторда, бошқа касб (лавозим) бўйича қўшимча мажбуриятларни бажариш ёки ўзининг асосий ишидан озод этилмасдан вақтинча ишда бўлмаган ходимнинг функцияларини бажариш тушунилади. Ушбу функциялар ходим зиммасига тўлиқ ёки қисман юкланиши мумкин.

Меҳнат кодекси тарафларга касблар (лавозимлар)ни бирга олиб борганлик ва вақтинча ишда бўлмаган ходимнинг мажбуриятларини бажарганлик учун қўшимча тўловлар миқдорини белгилаш чоғида бирор-бир чеклов қўймаган. Яъни амалдаги қонун ҳужжатлари уларнинг на энг кам, на энг кўп миқдорларини белгиламайди. Шу сабабли ҳам ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади (Меҳнат кодексининг 160-моддаси, бундан кейин – МК).

ИШ ҲАҚИНИНГ ЯРМИНИ УШЛАБ ҚОЛИШ

– Ходимнинг меҳнат ҳақидан ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридagi жаримани ушлаб қолиш тартиби қандай?

– Ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, – суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин. Қуйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

– Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

– суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;

– иш ҳақи ҳисобига берилган; хўжалик эҳтиёжларига берилган; сарфланмаган ва ўз вақтида қайтарилмаган;

хизмат сафарларига ёки бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган авансни узиш учун;

– ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун.

Бундай ҳолларда иш берувчи авансни қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёхуд бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган авансининг ушлаб қолинишини асоссиз ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд тартибда ундирилади;

– ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, – таътилни ишланмаган даврга тегишли кунлари учун. Ана шу кунлар учун ҳақ меҳнат шартномаси МК 89-моддасининг тўртинчи қисмида¹, 100-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 2-бандларида², 106-моддасининг 1 ва 2-бандларида³ кўрсатилган асосларга кўра, шунингдек ўқишга кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги муносабати билан бекор қилинганда ушлаб қолинмайди;

– ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса;

– МКнинг 181-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида⁴ назарда тутилган жаримани ундириш учун.

Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинadиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

МК 181-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра (1999 йил 20 августдаги 832-И-сон Қонун таҳририда) ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи ҳайфсан ёки ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима кўринишидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли. Бироқ Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходим-

га жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин, бироқ у ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Иш берувчи ходимга нисбатан жарима санкцияларини унинг розилигисиз, МК 182-моддасида назарда тутилган интизомий жазоларни қўллаш тартибда қўллайди.

МИСОЛ. Давлат органи хизматчиси меҳнат интизомини бузди. Иш берувчи МК 182-моддасининг талабларини бажариб, унга нисбатан МК 181-моддаси ва Ички меҳнат тартиби қоидаларида назарда тутилган жарима санкциясини қўллади, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизини ушлаб қолди. Ходимга Меҳнат ҳақини тўлаш бўйича ягона тариф сеткасининг разрядларига мувофиқ маош ва унга 20 фоизлик устама белгиланган, улар биргалликда 200 минг сўмни ташкил қилади. Бинобарин, ушланadиган жарима бир ойда 100 минг сўмдан ошмаслиги керак.

Агар ходимга нисбатан бир нечта ижро ҳужжати мавжуд бўлса, улар бўйича иш ҳақидан ушлаб қолишда унинг меҳнат ҳақи 50 фоизи сақланиши керак. Агар ушлаб қолишларнинг миқдори иш ҳақининг ярмидан кўп бўлса, ортиқча суммани ходим меҳнат фаолиятининг кейинги ойларига ўтказиш лозим.

ИШЛАМАГАНДА ҲАҚ ТЎЛАНДИМИ?

– Баъзан хом ашё, электр энергиясининг йўқлиги туфайли ишламаймиз. Бу ҳолда ходимларга иш ҳақи қандай тўланади?

– МК 159-моддасига мувофиқ ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақтда унинг ўртача иш ҳақи сақланади. Муассасада бекор туриб қолганда (таъмирлаш, ювиш ва ҳоказо) уни давом эттириш мумкин эмаслиги сабабли иш тўхтатилган вақтга ҳақ тўланади.

Баъзан бекор туриб қолиш (муассаса бекор туриб қолиши) даврида барча ходимлар гўё уларнинг аризаларига кўра иш ҳақи сақланмайди деган таътилга чиқарилади. Бундай қилмаслик керак, чунки бундай ҳоллар аниқланган тақдирда иш берувчилар ариза ёзишга мажбур этганликлари ва ходимларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини кўпол равишда камситганликлари учун жавобгар бўладилар. Ушбу асосларга кўра чиқарилган буйруқлар бекор қилинади ва ходимларга мажбурий тартибда мажбуран бўлган прогул вақти учун ўртача



ойлик иш ҳақи ҳисоб-китобидан ҳақ тўланади.

ТЎЙ МУНОСАБАТИ БИЛАН

– Ходима жорий йилда меҳнат таътилида бўлган. Бироқ қизининг тўйи муносабати билан унга қўшимча таътил берилишини сўраяпти.

– Оилавий ҳолатлар ва бошқа узрли сабабларга кўра ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади (МК 150-моддасининг биринчи қисми). Уни бериш ходим мажбурлашга кўра эмас, балки ўз ташаббусига биноан тақдим этадиган аризага асосан, бундай таътилни муддати ва унга зарурат туғдирган сабаблар албатта кўрсатилган буйруқ билан расмийлаштирилиши керак.

МАЪМУР ҲАМ ДАМ ОЛИШИ КЕРАК

– Штат рўйхатига кўра бизда фақат битта тизим маъмури бор. Фаолиятимиз кўп жиҳатдан компьютерларнинг аниқ ишлашига боғлиқлиги боис, биз уни таътилга чиқара олмаймиз. Маъмур ҳам пуллик компенсацияга рози. Буни қандай қилиб ҳужжат билан расмийлаштириш мумкин?

– МК 151-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади.

Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилни ушбу Кодекснинг 134-моддасида белгиланган энг оз муддатидан ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин. Бироқ унга дам олиш учун 15 иш куни албатта берилиши керак.

МИСОЛ. Ходим 4 йил мобай-

нида – 2005–2009 йилларда ишлаганлиги учун таътил олмаган, таътил 24 иш кунини ташкил қилади.

1. Ходим бир вақтда ҳар бир йил учун 15 иш кунидан, жами 60 иш куни миқдоридида таътил олишга ҳақли. Қолган 36 иш куни учун МК 151-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ компенсация олиши мумкин.

2. У бир вақтда – ҳар бир йил учун 24 иш кунидан, жами 96 кун миқдоридида таътил олиши мумкин.

Бинобарин, кетма-кет бир неча йилги меҳнат таътилларини бирлаштириш мумкин, чунки Меҳнат кодексидида бирор-бир чеклашлар назарда тутилмаган ва уларни бериш муддатининг ўтиши қонунчиликда белгиланмаган.

Бироқ шуни ёдда тутиш лозимки, иш даврида ходим ҳеч бўлмаганда унинг қонун билан белгиланган энг кам қисми – 15 иш кунидан асл кўринишида фойдаланиши керак, қолган кунлар учун ходимнинг аризасига асосан унга пуллик компенсация тўланиши мумкин.


Меҳнат кодексининг 137 (меҳнат қилишнинг ноқулай ва махсус шарт-шароитида ишлаганлик учун) ва 138 (оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун)–моддаларида назарда тутилган барча турдаги ижтимоий ҳамда қўшимча таътиллardan асл ҳолида фойдаланилади, уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

ТАЪТИЛ ОЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН ХОДИМ ХОРИЖГА КЕТАПТИ

– Бош бухгалтеримиз беш йил таътилсиз ишлади. Энди у бошқа мамлакатдаги қизининг бормоқчи ва унга ана шу йилларнинг ҳаммаси учун, яъни 120 иш куни миқдоридида таътил беришларини сўраяпти. Унинг истагини қонуний равишда қондириб бўладими?

– Меҳнат қонунчилигида таътил бериш учун даъво қилиш муддатлари белгиланмаган. Бинобарин, агар ходим, масалан, 5 йил давомида меҳнат таътили олмаган бўлса, унинг аризаси бўйича иш берувчи ходимга ана шу даврнинг бари учун меҳнат таътили бериши шарт. Меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда эса у ходимга 5 йил мобайнида фойдаланилмаган таътил учун компенсация тўлаши керак (МК 151, 275⁵-моддалари).

Ходимнинг хоҳишига кўра ушбу таътилларнинг бир қисми учун энг кам муддатидан ортиқчасига пуллик компенсация олиш мумкин. Бироқ у ҳар бир йил учун таътилни 15 иш куни бўйича таътилддан аслида фойдаланиши керак.



• РЕКЛАМА

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббиёт
металл каркасида
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ХУЖЖАТЛАР:

- ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚД бошлигининг «Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги буйруғи;
- ЎзР МВ, Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚДнинг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИГИНИНГ БУЙРУҒИ

ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2030.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 45-сон, 485-модда)

Ўзбекистон Республикаси «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни-нинг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-331-сонли қарорига мувофиқ буюраман:

1. Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жино-

ий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Департамент бошлиги
З.ДЎСАНОВ.

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь
34-сон.

*2009 йил 13 ноябрдан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг
2009 йил 13 октябрдаги 34-сонли буйруғига
ИЛОВА

ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИ (Кўчирма)**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 108-модда; 2003 йил, 1-сон, 8-модда); «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) қонунларига мувофиқ, лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда (кейинги ўринларда лизинг берувчилар деб юритилади) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш учун ички назоратни ташкил этиш мақсадида лизинг берувчилар мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахс тайинланади (кейинги ўринларда масъул шахс деб юритилади).

Масъул шахс лизинг берувчининг буйруғи билан тайинланади.
5. Лизинг берувчиларнинг ички назорат тизими уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, миқдорлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ миқдорлар базаси ва таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

**Хужжатнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.

III. МИЖОЗЛАРНИНГ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ТЕКШИРУВИ

11. Лизинг берувчилар:

амалий иш муносабатлари ўрнатилганда;

олиб борилаётган операцияларнинг жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳа юзага келганида;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг аслилиги ва ишончилигига шубҳа туғилганда миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўрадилар.

12. Миждозларни лозим даражада текшириш лизинг фаолияти амалга оширилишининг барча босқичларида олиб борилиши лозим.

Бенефициар мулкдорни аниқлаш мақсадида лизинг берувчи миждоз бошқа миждоз номидан ҳаракат қилаётганлигини аниқлаши керак ва ундан кейин миждоз кимнинг номидан иш кўраётган бўлса, уни идентификациялаш ҳамда шахсини лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриши шарт.

Миждоз ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда уларнинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

13. Миждоз – жисмоний шахсни идентификациялаш унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Агар жисмоний шахс яққа тартибдаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши лозим.

14. Миждоз – юридик шахсни идентификациялашда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бошқа маълумотларни текширишлари лозим.

Миждоз – юридик шахсни янада батафсилроқ ўрганиш учун:

миждознинг таъсис ҳужжатлари (рўйхатдан ўтказилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) ва миждознинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига;

миждознинг бошқарув органларининг тузилиши ва уларнинг ваколатларига;

миждознинг рўйхатдан ўтказилган устав фондининг (капиталининг) миқдорига;

қонун ҳужжатларга мувофиқ бошқа керакли маълумотларга алоҳида эътибор берилиши лозим.

15. Лизинг берувчилар миждоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан миждоз ҳақида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

миждознинг аввалги лизинг берувчи билан бўлган ўзаро муносабатларини ўрганиш;

миждознинг ишчанлик обрўси тўғрисидаги ахборотни тўплаш;

бошқа эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбалари орқали текширишга ҳақлидир.

Миждозларни лозим даражада текшириш учун керак бўлган идентификация ва бошқа маълумотлар, лизинг берувчилар томонидан камида бир йилда бир марта янгиланиб туриши керак.

16. Юридик ва жисмоний шахсларни идентификациялаш жараёнида лизинг берувчилар бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича, шу жумладан, миждоз мол-мулкнинг тузилишини ўрганиш йўли билан асосланган ва зарур чора-тадбирларни қўллаши лозим.

17. Лизинг берувчилар миждозлар томонидан идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, уларга операцияларни амалга оширишда рад жавобини берадилар.

IV. ХАБАР ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ШУБҲАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ МЕЗОНЛАРИ ВА ТАРТИБИ

18. Куйидаги ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-

мулк билан боғлиқ операция шубҳали деб топиллиши мумкин: миждоз томонидан зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан, ишонч билдирувчи (агар миждоз ишончли вакил сифатида иш юритаётган бўлса) ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни сабабсиз рад этилиши;

миждознинг амалга оширилаётган битишувга нисбатан махфийлик масалалари билан ортиқча ташвишланиши;

миждознинг хизмат кўрсатишнинг фойдалироқ шартларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, шунингдек, миждоз томонидан айна турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф қилиниши;

миждознинг операциялари яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаганлиги, миждознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолияти турларига тўғри келмаслиги;

битимга миждоз фаолиятига тўғри келмайдиган қўшимчалар ва ўзгаришлар киритилиши;

операцияни амалга оширишда миждоз қаттиқ туриб олган асосланмаган шошма-шошарлик;

миждоз томонидан аввал келишилган операцияга (битимга) бевосита уни амалга оширилишидан олдин кўпроқ, айниқса, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ҳаракати йўналишига тааллуқли ўзгартиришлар киритилиши;

миждоз ҳақидаги маълумотнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, кўрсатилган боғланиш маълумотлари, хусусан, почта ва электрон манзили, телефон рақамлари ва электрон канал маълумотлари бўйича миждоз билан алоқа ўрнатиш имкониятини йўқлиги;

маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этилишини миждоз томонидан асоссиз кечиктирилиши ёки миждоз томонидан текшириб бўлмайдиган маълумотни тақдим этилиши;

миждоз томонидан битим иштирокчилари ҳақида била туриб ёлгон ахборот ва нотўғри маълумотларнинг тақдим этилиши;

операция бажарилган кунда энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан юқори суммада бўлган қайтариладиган шаклдаги лизинг операциялари амалга оширилса;

мулк ёки асбоб-ускуна билан боғлиқ катта миқдордаги лизинг операцияларининг нархлари бозор конъюктурасидан ўзгача бўлганда ёки бу операциялар бажарилишидан манфаат кўзланса;

лизинг тўловларини асоссиз равишда ошириб кетиши;

лизинг олувчилар томонидан лизинг тўловларини тўлиқ ёки қисқа муддат ичида (уч ойдан ошмаган ҳолда) тўланиши ҳамда ушбу пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари номаълум бўлганда;

лизинг шартнома шартларидаги мажбуриятлар ҳамда тўловлар, учинчи шахслар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган бўлса;

агар миждоз ёки операция иштирокчиларидан бири жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатда доимий яшайдиган, турган ёки рўйхатдан ўтказилган бўлса;

амалга ошириш мақсади қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган назорат жараёнларидан бош тортиш дейишга асос бўладиган операциялар ёки битишувларнинг кўп мартаба юритилганлигининг аниқланиши.

19. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, миждоз шахси, унинг обрўси, амалий иш муносабатларининг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

20. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳар қандай операция, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчиликни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши лозим.

Бундай ҳолларда лизинг берувчилар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбурдирлар. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган муддат тугаши билан лизинг берувчи тўхтатилган операцияни амалга оширишга қаришади.

21. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, масъул шахс мижозга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;

мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш ҳақида;

қонун ҳужжатлари ёки у билан тузилган шартномага мувофиқ мижоз билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида.

22. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар лизинг берувчилар томонидан Департаментга шубҳали операциялар деб топилган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаклда берилади.

Шубҳали операцияларга тааллуқли ҳар бир маълумот ҳақида ахборот масъул шахс томонидан қоғоз ва (ёки) электрон кўринишда юритиладиган махсус журналларга киритилади.

23. Лизинг берувчилар тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни Департаментга кечиктирмай топширишлари зарур.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ СОЛИК, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА
ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОПИ**

**ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА
ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА
ЛОТЕРЕЯЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР
УЧУН ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2037.*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 45-сон, 495-модда)

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 160-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон,

147-модда) қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура хузурида Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти **қарор қилади:**

1. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***2009 йил 15 ноябрдан кучга киради.**

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
103-сон.**

**Бош прокуратура хузуридаги
Солик, валютага оид жиноятларга
ва жиноий даромадларни легаллаштиришга
қарши курашиш департаменти бошлиғи
З. ДЎСАНОВ.
40-сон**

Тошкент ш., 2009 йил 13 октябрь.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга
ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг
2009 йил 13 октябрдаги 103 ва 40-сонли қарорига
ИЛОВА*

**ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА
ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ЛОТЕРЕЯЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИ
АМАЛГА ОШИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР УЧУН ИЧКИ НАЗОРАТ
ҚОИДАЛАРИ
(Кўчирма)****

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кура-

шиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 43-сон, 451-модда) Қонунига мувофиқ лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга

****Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан www.pogta.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.**

оширувчи ташкилотлар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

III. МИЖОЗЛАРНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ТЕКШИРИШ

14. Ташкилотлар қуйидаги ҳолатларда миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади:

амалга оширилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида эканлигига ҳар қандай шубҳа мавжуд бўлса;

миждоз ҳақида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига шубҳа мавжуд бўлса.

15. Миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар миждоз томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Миждозни текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга имкон берувчи барча ҳужжатлар улар тақдим этилган санага ҳақиқий бўлиши лозим.

16. Миждозларни лозим даражада текшириш операцияларни амалга оширишнинг барча босқичларида олиб борилиши лозим.

Миждозни идентификациялаш билан бир қаторда у томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда унинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

17. Миждоз бир ёки бир неча марта муружаат қилганда, ташкилот қуйидагиларга мажбур:

миждозни қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ идентификациялаш;

ўтган ҳисобот даврида (ой, чорак, ярим йил, йил) мазкур миждознинг илгари лотерея бўйича ютуқларини ўрганиб чиқиш, агар унинг тасарруфида бундай операциялар тўғрисида ахборот мавжуд бўлса.

18. Миждоз – жисмоний шахсни идентификациялаш унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади.

Агар миждоз – жисмоний шахс яқка тартибдаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши керак.

19. Миждоз – юридик шахсни идентификациялашда ташкилот унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, номи, раҳбари, банк рекавизитлари, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами ва фаолият тури тўғрисидаги тегишли маълумотларни текшириши лозим.

Миждоз – юридик шахсни янада батафсилроқ ўрганиш мақсадида:

миждознинг таъсис ҳужжатлари (рўйхатдан ўтказилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг расмийлаштирилишига;

миждознинг бошқарув органларининг тузилиши ва уларнинг ваколатларига;

миждознинг рўйхатдан ўтказилган устав фондининг (капиталининг) миқдорига алоҳида эътибор бериши лозим.

20. Ташкилот миждоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан миждоз тўғрисида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

миждознинг аввалги ташкилот билан ўзаро муносабатларини ўрганиш;

миждознинг ишчанлик тўғрисидаги маълумотларни йиғиш орқали текшириш ҳуқуқига эга.

21. Ташкилот идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган миждозларга операцияларни амалга оширишни рад этади.

IV. ХАБАР БЕРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА ТАРТИБИ

22. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция қуйидаги ҳолатларда шубҳали деб топилиши мумкин:

бир вақтнинг ўзида ташкилот томондан йирик пул ютуқларини (энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 бараваридан юқори) икки ёки ундан ортиқ ютуқли билетлар эгаларига тўлашда (беришда);

миждоз ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилигига шубҳа мавжуд бўлса;

ютуқни олишда қалбаки лотерея билет тақдим этилаётганлигига шубҳа уйғонса.

23. Операцияни шубҳали деб топиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик меzonларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, миждоз шахси, унинг обрўси, амалий иш муносабатларининг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

24. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ ҳар қандай операция, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкдаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак.

Бундай ҳолларда ташкилот пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбур. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган муддат тугаши билан ташкилот тўхтатилган операцияни тиклашга киришади.

25. Миждознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, масъул шахс шубҳали операцияни амалга оширишга тайёргарлик кўрилаётганлигини ёки амалга оширилганлигини тасдиқловчи асосланган ҳужжатларни тайёрлайди ва ташкилот раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этади, раҳбар миждозга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;

миждоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида.

26. Шубҳали операция тўғрисидаги хабар операция шубҳали деб топилган вақтдан бошлаб бир иш кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ ташкилот томонидан Департаментга тақдим этилади.

27. Ҳар бир шубҳали операция тўғрисидаги маълумот масъул шахс томонидан қогоз ва электрон кўринишда юритилувчи махсус журналга киритилади.

28. Ташкилотлар тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни Департаментга кечиктирмай топширишлари зарур.

“Интеграл стар” ХК таклиф қилади

“ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган
Товарлар сертификатланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46 факс 274-66-77

TOSOL АНТИФРИЗ

А-30, А-40, А-65
ва АМ-концентрат

1, 2, 5, 5 кг лик канистралар,
200 кг лик бочкаларда

ТўЛОВ НАҚД ПУЛСИЗ
ХИСОБ-КИТОБ ЙЎЛИ БИЛАН

Сақлаш муддати—5 йил

Товар патентланган ва сертификатланган

“TOSOL-N” МЧЖ — TOSOL-антифризнинг ягона ишлаб чиқарувчиси.

Маҳсулот моноэтиленгликоль асосида тайёрланиб, ASTM, D 3306-79 антифризи (АҚШ)нинг аналогига ҳисобланади. Мосламаларнинг юқори технологик пакети туфайли занглашнинг барча турида совутиш тизимининг юқори самарали ҳимоясини тазминлайди. Таркибда фосфатлар, нитритлар, аминлар мавжуд эмас. Латунь, мис, лигерланган пўлат, чуян, алюмин, рухли қотишмаларга нейтрал. А. Premium, BUSINESS тоифасидаги ҳамда юқори форсажли дизель двигателига эга бўлган автомобиллар талабларига жавоб беради.

Манзилимиз: Тошкент ш., Исмоил ота кўч., 1
Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42

• РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 3 декабрдаги ажримларига асосан Учтепа туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
“Seplit Star Servis” MCHJ	10-0906/18094
“Bohohir Maximal Servis” MCHJ	10-0906/18097
“Rangli dunyo boyoqlari” MCHJ	10-0906/18098

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Б.Саидов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 14 декабрь соат 10.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар ва эътирозлар Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1-уй, Учтепа туман ДСИ биноси, 3-қават, 309-хонада давом этмоқда. Тел.: 274-28-70, 275-95-10.

Банкротлик иши Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида 2009 йил 18 декабрь куни соат 11.30 да Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси Д.Р.Соатов томонидан кўрилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 5 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги соддалаштирилган таомилда банкрот деб топилб, тугатиш жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ


Корхона номи	Қарор рақами
“Bio Farm-Servis” XF	10-0914/17755
“Tabris” XF	10-0914/17754
“Bezkod-Sanjar” XF	10-0914/17753
“AL-Mansor Ltd” MCHJ	10-0914/17756

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими Х.Ҳаётов тайинланган. Корхоналарнинг думалоқ муҳр ва учбурчакли штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой ичида ўз аризалари билан муурожаатларини Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 416-хонага билдиришлари мумкин.

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ




АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ



TÜV
CERT
EN ISO 9001

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 22 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Чирчиқ шаҳридаги банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Юридик манзили	Қарор рақами
“PROGRES STROY” МЧЖ	205058954	Чирчиқ ш., Мендилейива кўч., 2	11-0906/16127(19)
“HUSIK BITL M” МЧЖ	205849294	Чирчиқ ш., 9-кичик ноҳия, 29-34	11-0906/16128(19)
“Астро Алекс” ХФ	205215728	Чирчиқ ш., 10-кичик ноҳия, 50-2	11-0906/16129(19)

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Чирчиқ шаҳар ДСИ ходими М.Умаров (индекс: 111700, тел.: 150-64-85, 6-26-70) тайинланган. Кредиторларнинг талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан Чирчиқ ш., Темирийўлчилар кўчаси, 128а-уй, Чирчиқ шаҳар ДСИ биносида эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади. Ушбу корхоналарнинг бурчак штамплари ва думалоқ муҳрлари олишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 20 ва 23 ноябрдаги ажримларига асосан Миробод туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	ОКПО	Ажрим рақами
“ATEX-BILD-SERVIS KONSTRUKTION” МЧЖ	300369860	27.03.07	002427-03	21565189 10-0913/17463
“ASVELL BIZNES PLUS” МЧЖ	300931503	12.12.08	003434-03	22479061 10-0913/17464
“ASIA IDEAL CAPITAL” МЧЖ	300972405	29.10.08	003502-03	22554503 10-0913/17465

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Я.Раҳимов тайинланган. Кредиторларнинг йиғилиши 2009 йил 28 декабрь соат 9.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, Миробод туман ДСИ биноси, 607-хона. Банкротлик иши 2010 йил 4 январь куни соат 10.00 да Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида 4-сонли суд залида (судья Г.М.Таирова томонидан) кўрилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 23 ноябрдаги ажримларига асосан Миробод туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	ОКПО	Ажрим рақами
“PAINT-TRADE-BUSINESS” МЧЖ	206163982	28.02.06	001378-03	20662542 10-0913/17461

Мазкур корхона бўйича муваққат бошқарувчи этиб С.Абдурахимов тайинланган. Кредиторларнинг йиғилиши 2009 йил 7 декабрь соат 9.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, Миробод туман ДСИ биноси, 607-хона. Банкротлик иши 2009 йил 7 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида 4-сонли суд залида (судья Г.М.Таирова томонидан) кўрилади.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 30 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Ангрен шаҳридаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Қарор рақами
“ANGREN OMAD RIVOJ MBR” ХК	205788624	11-0906/17972
“АЪЛЕНА” МЧЖ	201321891	11-0906/17973
“ПРЕД. ПО ДЕЗАКТИВИЗАЦИИ”	202735731	11-0906/17974
“МАДАМИНБЕК” ХФ	202028162	11-0906/17975
“ШИРИН” ХФ	203014149	11-0906/17976
“ОРБИТА” ТРК МЧЖ	200598628	11-0906/17978
“NISHON-S” ШК	204571058	11-0906/17979
“ANGREN KOMMUNAL” ХК	204723800	11-0906/17980
“САГЛОМ-2000” ХФ	203089292	11-0906/17981
“МУЗАФАР” ФХ	203186860	11-0906/17982
“GERADOT” ХФ	204636093	11-0906/17983

Мазкур корхоналар кредиторларининг навбатдаги йиғилиши 2009 йил 23 декабрь куни соат 12.00 да Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ДСИ биносининг мажлислар залида ўтказилади. Тел.: (8-371) 150-59-82, 150-64-81, (8-370) 663-17-09, 663-17-07.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУҚУҚ

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxahbot@mail.ru

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи-назарига мос келмавермайди. Чоп этилган маълумотлар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.

Тахририят оғоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриши имкониятига эга эмас.

“Norma maslahatchi” да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Norma” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “TOPPRINT” МЧЖ босяхонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Буюртма 357 Адади 4914. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2009 йил 6 декабрда соат 13.30 да топирилади.
ISSN 2010-5223